



## SOCIAL AND PHILOSOPHICAL ASPECTS OF PROTECTING YOUTH FROM INFORMATION THREAT

**Khudayberdiyev A.K.**

Tashkent Pediatric Medical Institute

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16360391>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> July 2025

Accepted: 22<sup>nd</sup> July 2025

Online: 23<sup>rd</sup> July 2025

### KEYWORDS

Globalization, State youth policy, quality of education, spiritual education of youth, creative thinking, investment, information culture.

### ABSTRACT

*This article pays special attention to approaches related to improving the quality of education at the new stage of development of Uzbekistan, improving the moral education of youth through the introduction of modern teaching methods at all stages of the lifelong education system, as well as improving information culture.*

## СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ ЗАЩИТЫ МОЛОДЕЖИ ОТ ИНФОРМАЦИОННОЙ УГРОЗЫ

**Худайбердиев А.К.**

Ташкентский педиатрический медицинский институт

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16360391>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> July 2025

Accepted: 22<sup>nd</sup> July 2025

Online: 23<sup>rd</sup> July 2025

### KEYWORDS

Глобализации, государственной молодежной политике, качество образования, духовное воспитание молодежи, творческое мышление, инвестиция, информационная культура.

### ABSTRACT

*В данной статье особое внимание уделяется подходам, связанным с повышением качества образования на новом этапе развития Узбекистана, совершенствованию нравственного воспитания молодежи путем внедрения современных методов обучения на всех этапах системы непрерывного образования, а также повышения информационной культуры.*

## ЁШЛАРНИ АХБОРОТ ТАҲДИДЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Худайбердиев А.К.**

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16360391>

### ARTICLE INFO

### ABSTRACT



Received: 16<sup>th</sup> July 2025  
Accepted: 22<sup>nd</sup> July 2025  
Online: 23<sup>rd</sup> July 2025

**KEYWORDS**

Глобаллашув, давлат  
ёшлар сиёсати, таълим  
сифати, ёшларнинг  
маънавий тарбияси,  
ижодий тафаккур,  
инвестиция, ахборот  
маданияти.

*Ушбу мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида таълим сифатини ошириш, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида замонавий ўқитиш усулларини жорий этиш орқали ёшларнинг ахлоқий тарбиясини такомиллаштириш ва ахборот маданиятини оширишга доир ёндашувларга алоҳида эътибор қаратилган.*

**Тадқиқот мақсади.** Инсоният тараққиётининг XXI асрига келиб глобаллашув ҳодисаси шу қадар кучайдики, бу жараёндан ажралган бирорта мамлакат қолмади. Бу жиҳатдан, ушбу ҳодиса умумбашарий хусусият касб этди ва бутун дунёни қамраб олди. Ана шу жараёнда, бутун дунё миқёсида ахборот майдонидан фойдаланиш кенгайишда давом этар экан, унинг маънавиятга таъсири ва ахлоқийликни ҳис қилиш ва тушуниш усулларини ҳисобга олиш ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Ўз навбатида бундай ҳолатнинг доимийга айлангани унинг ўзига хос хусусиятлари ва таъсирига доир имкониятларини яхши ўрганиш лозимлигидан далолат беради. Глобаллашув, айниқса ахборотлашувнинг глобаллашуви жараёни янги-янги ҳудуд ва минтақаларни, инсон фаолиятининг барча соҳаларини ўз домига тортмоқда.

**Материал ва услублар.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, адабиётлар билан ишлаш ва назарий таҳлил.

**Натижалар.** Глобаллашув шароитида ахборот соҳасидаги таҳдидларнинг инсон маънавиятига, айниқса таълим тизими ва ёшларнинг маънавий қиёфасига ўтказаетган таъсирини ўрганиш ҳамда бу борадаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда бир неча жиҳатларни алоҳида қайд этиш зарур.

**Биринчидан,** «Глобаллашув» тушунчасининг ахборот маконидаги ўрни ва аҳамиятини аниқ тасаввур қилиш, у билан боғлиқ ахборот таҳдидлари ва хуружларининг мазмун-моҳияти, мақсад-муддаолари ва оқиқбатларини аниқ-тиниқ тасаввур қилишга эришиш зарур.

**Иккинчидан,** глобаллашув жараёнининг таъсири кўпчилик мутахассисларни ташвишлантirmoқда. Масалан, Мичиган университети профессори Й.Шолте назарида «Замонавий глобаллашув, бир томондан, либерал демократияга хос камчиликларни ёрқин намоён қилади: тенгсизликни янада чуқурлаштиради, атроф муҳит ҳолатига путур етказди, таълим тизимини издан чиқаради; бошқа томондан, у демократик тараққиёт, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг муқобил ёндашувларининг яратилиши ва кенг тарқалишига замин яратади» [1].

Америкалик машҳур социолог Сеймур Липсет эса глобаллашув зиддиятлари хусусида фикр юритиб, уни икки томони ўткирланган ханжарга ўхшатади. Олимнинг фикрича, у бир жиҳатдан, шахсда юксак масъулият, ташаббускорлик, тадбиркорлик кўникмаларининг шаклланишига хизмат қилади, аммо бошқа томондан, кишилардаги



худбинлик иллатини кўзғатади ва шу тариқа шахслараро муносабатларни кескинлаштиради, умуммиллий манфаатларга лоқайдлик ва бефарқлик кайфиятини юзага чиқаради.

Ғарб либерал демократиясига хос бу хусусият бошқа, айниқса, ривожланаётган ёки яқинда ривожланиш йўлига кирган мамлакатларга нисбатан юритилаётган сиёсатда ёрқин намоён бўлади. Дейлик, айрим ривожланган мамлакатлар саноат маҳсулотлари, ахборот ва мафкуравий таъсир кўрсатиш воситалари орқали кенг кўламдаги геосиёсат юритиш билангина чекланмай, ўз халқининг табиати, маданияти, мафкурасига хос жиҳатларни мунтазам равишда дунё халқлари турмуш тарзига, онгу шуурига, бир сўз билан айтганда, улар ҳаётининг барча жабҳаларига изчил сингдиришга интилмоқда. Бу ҳол, айниқса, эндигина мустақилликка эришган мамлакатлар халқининг миллий ўзлиги, маданиятининг ворисийлик анъаналари ҳамда менталитетига путур етказиши турган гап.

Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш концепциясини қабул қилди. Ушбу Концепциянинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат эди:

- миллий ахборот-ҳисоблаш тармоғини яратиш;
- ахборотларга товар сифатида ёндашишнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларини юритиш;
- ахборотларни қайта ишлашда жаҳон стандартларига риоя қилиш.

Инсоннинг янги ахборотларни билиш ва ўрганиши натижасида ҳосил бўлган билимлар узоқ давом этадиган мураккаб, зиддиятли жараён бўлиб, билмасликдан билишликка қараб боради.

Ҳозирги кунда ахборотларнинг йилдан йилга кўпайиб бориши натижасида ахлоқийлик муаммоси биринчи ўринга чиқмоқда. Ахборотлаштириш жараёнларининг, айниқса информацион-коммуникация технологияларининг тез ривожланишида ахборот ва маънавият муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, ахборот ва маънавият ХХ асрнинг охиридан бошлаб, технологияларнинг (информатика, электроника, биотехнология, нанотехнология ва ҳ.к.) юқори фундаменти ҳисобланади [2].

Кундалик фаолиятимизда ахборот ва маънавият тушунчаларини бири иккинчисига яқин, бири иккинчисига ўхшаш. Инсон туғилганда у ҳеч қандай маънавиятли бўлмайди. Маънавият ҳаёт жараёнида, яъни инсон амалий фаолиятининг натижаси сифатида ҳосил бўлади.

Ҳозирги замонавий дунёда маънавиятнинг муҳимлиги ва зарурлиги, ахборотлашган жамиятни барпо этиш ҳақидаги концепцияларда ўз аксини топган. Маънавиятни эгаллаш воқеликни субъектив ўзлаштириш билан боғлиқ.

Ахборот ахлоққа бўйсунувчи тушунча ҳисобланади. Яъни, ахборот ахлоқни бойитади, уни ўзгартиради. Инсон ижтимоий-маънавий турмуши тараққиёти асосида ахлоқ ётади, яъни ижтимоий-маънавий тажрибани ҳаракатлантиради. Демак, «ахборот теварак-атрофдаги турли хил манбалардан тўпланган омилар бўлиб, бу билимларнинг қайта изҳор қилиш» [3] ҳамдир.

Инсонни жамиятда тутган ўрни унинг «тақводорлиги, фаолияти ва йана бошқа ижтимоий-маънавий қимматга эга бўлган нарсалар «ахлоқли бўлиш»дек эътиборга



молик эмас» [4]. Ахборот инсон ва жамият маънавиятини ё таназзул сари етаклайди ёки бойитади, уни ўзгартиради, тўлдириб боради. Инсон ижтимоий-маънавий турмуши тараққиёти асосида маънавият ётади, яъни ижтимоий-маънавий тажрибани ҳаракатлантиради. Шунингдек, «сезги депривацияси» деган воқелик мавжуд бўлиб, унинг моҳияти, ахборотнинг йўқлиги кишининг ҳолатига салбий таъсир қилишлигидан иборат [5] бўлади.

Глобаллашув жараёнида узлуксиз таълим тизимидаги ёшларни ахборот соҳасидаги хавф-хатарлардан асраш учун муҳим бўлган мамлакатимизга хос ахборотлашув жараёнлари ва ушбу соҳада рўй бераётган ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар масалалари барча ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган тадқиқотлар учун аҳамиятли ҳисобланади. Негаки, ахборотлашув бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасига салмоқли таъсирини ўтказмоқда.

Бу жиҳатдан қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим:

**Биринчидан**, ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан, глобаллашув миллий маънавиятга жиддий таъсир ўтказиши аксарият олимлар томонидан тан олинган ва исботланган бугунги кун воқеликларидан биридир.

**Иккинчидан**, тадқиқот шундан дарак берадики, глобаллашувнинг маънавиятга таъсири ва маънавий глобаллашув масалалари фалсафа, социология, маданий антропология каби кўплаб фанлараро изланишларнинг натижаларида ўзининг аксини етарли даражада топиши керак.

Бу нуқтаи назардан, бой, қудратли Ғарб ва қашшоқ ҳамда заиф Ғарб дунёсига тегишли бўлмаган давлатлар ўртасидаги фарқни тобора кучайтирувчи омил сифатида намоён бўлади.

**Учинчидан**, таҳлиллар шуни кўрсатадики, ахборот соҳасидаги глобаллашув жараёнларини фақат оддий ҳодиса сифатида баҳолаш ижтимоий ҳаётдаги турли хил табиий, ижтимоий боғлиқликларни инкор этишга олиб келиши мумкин. Глобаллашув жараёнлари «мафкуралашишдан» ҳамда мафкуравий таъсир ўтказиш мақсадларидан ҳоли бўлиши керак. Глобаллашув имкониятларидан уни ҳаракатга келтирувчи кучлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланишдан ташқари бошқаларнинг манфаатлари ва қизиқишлари билан ҳисоблашишлари ўта муҳим.

Биргина ахборот-коммуникация соҳасидаги глобаллашув жараёнини кузатар эканмиз, унинг таъсири жаҳонда ғоявий ва маданий гегемонлик учун асосий қуролга айланаётганини кўраемиз. Ахборот технологиялари юксалган давлатлар эса, бу жараённинг ҳаракатга келтирувчи кучлари бўлмоқда.

**Тўртинчидан**, маънавий таҳдид инсон эркинлигига, уни ғоявий қарам қилиш, руҳий дунёсини издан чиқаришга қаратилган бўлиб, у жозибали шиорлар ва ғоялар остида яширинади, диний ва миллий ришталарга болта уради, ёшларнинг қалбини ва онгини эгаллашга, уларнинг дунёқарашига зарарли фикрларни тиқиштиради, охир-оқибатда мамлакат хавфсизлигига ва миллий манфаатларга таҳдид солиб, жамиятни инқироз кўчасига олиб келади. Демак, мазкур хатарлар мамлақати, миллати, ўзи яшаб турган жамиятнинг келажаги ҳақида қайғурадиган, ўзини фуқаролик позициясига эга, юртга дахлдорлик ҳисси юксалган ҳар бир инсонни ташвишга солиши, ўз навбатида унинг олдини олиш учун ўз иқтидори ва салоҳиятини ишга солишни талаб этади.



**Бешинчидан** зўрма-зўраки ўзга маънавиятнинг сингдириш воситалардан бири бу замонавий ахборот технологиялари ёрдамида турли кинофильм, телесериаллар, гайримиллий андозадаги шоу кўрсатувлар, мультфильмларни муттасил экспорт қилишдир. Шу жиҳатдан энг мақбул йўл «ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат» билан жавоб бериш, яъни, доимо огоҳлик, ҳушёрликни йўқотмаслик зарур. Холбуки, АҚШнинг Гарвард университети олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, америкалик болалар 18 ёшгача 180 мингта ахлоқан бузуқ, шафқатсиз, 80 мингта қотилликни акс эттирувчи фильм томоша қилар экан. Булар қаторига беҳаёлик, ичиш, чекишларни ҳам санаб ўтиш мумкин.

Ёшларда ахборот маданиятини шакллантириш узлуксиз жараён бўлиб, у яқин, ўрта ва узоқ муддатли мақсадларни қамраб олади ва ҳар бир ёш қалбида албатта муайян мақсад-муддао бўлишини тақазо қилади. Ўқувчи ва талабаларнинг аниқ, реал мақсадга йўналган ахборот маданиятини шакллантириш эҳтиёж, қизиқиш, шарт - шароит уйғунлигига асосланади.

Бундай ахборот маданияти ҳар бир ўқувчи талабадаги ижобий ахборот асосидаги тасаввур ва тушунчаларнинг бир бутунлиги ҳамда ёшларнинг шу асосдаги дунёқарашини тўғри шакллантириш жараёнининг ҳосиласидир.

Ёшлар ахборот маданияти тамойилларини тарбиялашнинг асосий мақсади жамиятнинг йирик ижтимоий тарбия масканларида, хусусан ёшлар тарбиясининг муҳим объектлари ҳисобланган ўқув муассасаларида, шу қаторида ОАВ, айниқса телевидениядек фаол ахборот тарқатиш воситасида ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашига самарали ижобий таъсир кўрсатишга хизмат қилади [6]. Айни пайтда у:

-ёшларда хатарли ахборотга нисбатан иммунитетни ривожлантиришга шароит яратиш;

-ёт ғояларнинг зарарини намойиш этиш ва тушунтириш, ахборот профилактикасига доир тушунчалар ҳосил қилиш;

-ёт ғояларга мойилликнинг вужудга келиш сабабаларини тушунтириш;

-ўз эътиқоди учун масъулиятни ошириш;

-турли хил ёмон иллатлар моҳиятини тушунтиришда ёшдаги ўзгариш даврларига алоҳида эътибор бериш ва бу борадаги ахборот тарбиясининг таъсирчанлигини таъминлаш;

-ахборотнинг маълум ёш босқичига мос бўлишига эришиш;

-ақидапарастликдан соғлом эътиқоднинг афзаллигини кўрсатиш асосида ёшларга дунёвийлик даҳрийлик эмаслигини уқтириш;

-тарбиянинг интерфаол усулларини қўллаш;

-ёшларнинг асосий инсоний маънавий қадриятларни англаши ва ўзлаштиришига эришиш;

-ёшларда қарор қабул қилиш, танқидий фикрлаш, салбий муҳит таъсирига қарши туриш, ҳиссиётларини жиловлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, асосида ахборот хуружларига нисбатан иммунитет хусусиятларини ўстириш;

-бузғунчи ва ёт ғояларни рад этишнинг афзаллигини ўсмирлар онгига сингдириш орқали уларда ўз-ўзини тарбиялаш туйғусини шакллантириш каби вазифаларни бажаришга хизмат қилади.



Алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридагиларнинг барчаси, бир томондан ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг маданий омилларини такомиллаштиришнинг ниҳоятда муҳимлигини кўрсатади, иккинчидан эса, бу жараённинг самарадорлигини таъминлаш ёшларда ахборотлардан фойдаланиш ва уни қабул қилиш маданиятини ўстиришдаги долзарб вазифалардан бири эканидан далолат беради.

Ислоҳотлар жараёни тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар тарбияси билан боғлиқ эзгу ғояларининг туб моҳиятини чуқур англаш, қўлга киритилган натижаларни ёшлар маънавий муҳитига синдириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги тамойилларни замон талаблари асосида ислоҳ қилиш, ёш авлодни маънавий-руҳий ҳамда жисмонан соғломлаштириш жараёнига самарали ва таъсирчан воситалар жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жиҳатдан ахборот маданиятининг ҳар бир ўқувчи талабани эзгу ғоялар асосида, умумий маслак руҳида тарбияланганлик даражасини таъминлашдир. Шу маънода бу борадаги ахборот маданияти ҳар бир ўқувчи талаба онги ва шуурида тарихан таркиб топган миллий қадриятларимиз, асрий анъаналар, урф-одатларга таянган ҳолда ёшлар онгига миллий манфаатларимизга содиқлик ғояларини сингдириш, бу жараённинг ижтимоий механизмлари ва тамойилларини ўрганишни тақазо этади.

Айни пайтда ахборот маданияти асосланадиган мавжуд вазият, ютуқ ва муаммолар таҳлил қилиниб, зарур илмий тавсиялар, фаразлар ишлаб чиқилиши ва уларга оммабоп, тушунарли тилда ёзилган китоб ва рисоалар, тарбиячилар, муаллим ва ўқитувчилар, зиёлилар учун махсус ўқув қўлланмалари тайёрланиши мақсадга мувофиқ. Бу бир томондан ҳар бир ўқувчи талабанинг ушбу йўналишдаги манбалар ва илмий тавсияларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Иккинчидан, ахборот маданияти амалиётда ижодий қўлланилади ҳамда муайян даражада ёшлар орасида олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот ишлари мазмуни, шакли, воситаси ва методларини белгилайди.

Ёшлар ахборот тарбияси ва ахборот маданияти, улар ўсиб катта бўлган сари, онги ва дунёқарашига кўра, ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб бораверади. Айниқса, 12 ёшдан 22 ёшгача бўлган ўқувчи талабаларни ахборот тарбияси ва ахборот маданияти алоҳида эътиборни талаб қилади. Яъни, бу борада ҳам уларнинг хулқ-атвори, ўқиш ёки иши, бўш вақтини кимлар билан ўтказишини ҳар томонлама ўрганиш, тўғри йўлдан адашиб қолиш ҳолатлари юз бериш эҳтимолининг олдини олиш ўқувчи талабалар ахборот маданиятини самарали шакллантиришга ёрдам беради.

Ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари, айниқса, кўнгилочар, ёшлар нашрлари ўсмирлар катта таъсир кучига эга. Уларда ўсмирларнинг севимли «идеаллари», улар орзусидаги идеал шахслар ҳақида турли хабарлар берилади. Бироқ баъзи ҳолларда улар томонидан миллий-маънавий қадриятларимизга мос келмайдиган қарашлар, ғоялар ҳам айтилади. Бу эса ёшларнинг шаклланаётган ахборот маданиятига нотўғри тамойиллар кириб келишига олиб келиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, юқорида таъкидланган муаммоларни ҳал этиш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:



-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантириш ҳамда таълим бошқа йўналишларининг уйғунлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тизимни йўлга қўйиш лозим, яъни мактабгача таълим - умумий ўрта таълим - профессионал таълим - олий таълим - олий ўқув юртдан кейинги таълим - кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш - мактабдан ташқари таълим - корхона ва ташкилотлар - жамоат ташкилотлари - оммавий ахборот воситалари - аҳоли;

-таълимнинг барча босқичларида «Ахборот хавфсизлиги» фанини ўқитиш жараёнида ёшларга бу тўғрисидаги билимларни бериш орқали уларда ҳаётга нисбатан оқилона ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш ва унинг ўзлаштирилганлик даражасига аниқликлар киритиб бориш;

-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантириш жараёнини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий-услубий материаллар билан тўла ҳажмда таъминлаш;

-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантириш соҳасида ягона концепция ва стратегияни ишлаб чиқиш мақсадида илмий-услубий ва амалий фаолият марказини ташкил этиш;

-таълим муассасаларида ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантиришга оид анжуманлар, кўرғазмалар, конкурслар ва бошқа тадбирларни тизимли равишда амалга ошириб бориш;

-ёш авлод вакилларининг ахборот профилактикасига қаратилган тадбирларда кенг иштирок этишини таъминлаш;

-таътилар жараёнида ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантириш лагерларини ташкил этиш;

-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантиришга қаратилган таълим, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда кўрғазмали воситалар, ўқув ва илмий адабиётларнинг аҳамиятини эътиборга олиб, махсус ахборот-ноширлик марказларини ташкил этиш;

-ёшлар ахборот маданиятини шакллантиришга оид билимларни шакллантирадиган ижтимоий фанларни ўқитиш учун юқори малакали педагог кадрларни ҳамда ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг барча жиҳатлари юзасидан замонавий билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ва бошқалар.

**Хулоса.** Хуллас, ёшларнинг ахборот маданияти уларнинг дунёвий ва диний билим асосларини эгаллаган шахс бўлиб этишиши, соғлом эътиқод соҳиби бўлишлари учун маданий-маърифий муҳит яратиш, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд бўлган истеъдод куртакларини ривожлантириш учун зарур шароит яратиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни ҳал қилишни тақазо қилади.

Шу билан бирга, ёшларни баркамол авлод даражасида тарбиялаш, улар орасидаги ахборот таълими ва ахборот маданиятини шакллантиришда оила, ўқув муассасаси, шаҳар, қишлоқ, маҳаллаларнинг ҳамкорлигини таъминлаш бу борадаги ишларини олиб боришнинг энг таъсирчан омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари ёшларнинг ахборот тарбияси ва ахборот маданиятини шакллантириш ишларини ташкил этиш бўйича таълим муассасасининг иш дастурида, аввало, ёшларнинг моддий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий даражаси ҳақида



маълумотларнинг мавжуд бўлиши мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

### References:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. 14.09.2016-й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «30 июн - Ёшлар куни» муносабати билан 30.06.2023-йил Ўзбекистон ёшларига байрам табригидан.
3. Sholte J. Rethinkind Globalization. London, 2000, p.14.
4. Абдуллаева М.Н., Покачалов Г. Философские проблемы методологии науки. Т., 2006. – С.37.
5. Давронов З. Илмий ижод методологияси. -Т.: Iqtisod-moliya, 2007. 180 б.
6. Роузентал Ф. Торжество знания. –М. 1978. – С. 235.
7. Чирченко О.Н. Информационные аспекты компьютеризации. –М. 1989. – С.8.
8. **Тайлақова Ш.** «Ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телекўрсатувлар, радиоэшит-тиришлар ва интернет хабарлари мисолида)». Пед-ка фан д-ри дисс. – Т., 2018.
9. Худайбердиев А. К. Духовно-нравственные факторы охватывают безопасность в условиях глобализации //Молодой ученый. – 2014. – №. 6. – С. 875-879.
10. Худайбердиев А. К., Одилова Д. Б. Процессы глобальной и информационной базы //Научный аспект. – 2016. – №. 1. – С. 76-79.
11. Худайбердиев А. К. Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг ижтимоий-хуқуқий жиҳатлари //Міжнародний науковий журнал Інтернаука. – 2017. – №. 2 (2). – С. 181-183.
12. Худайбердиев А. К. Узбекистан: проблемы защиты молодежи от вредной информации в условиях глобализации (Социально-философский анализ) //Россия и мусульманский мир. – 2019. – №. 3. – С. 36-41.
13. Худайбердиев А. Янгиланаётган Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қатъият билан давом эттирилмоқда //Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 912-918.
14. Rasulovich, T. S., Kurbankulovich, K. A., Jamoliddinovna, K. M., Samadovich, T. K., & Tulkinovich, S. K. (2022). Forms and Characteristics of Virtual Spiritual Threats. *Telematique*, 7146-7155.